

МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

(фольклор, дostonчилик, мақом мисолида)

Шокиров Тохиржон Нурмаатович

ФарДУ санъатшунослик факультети Вокал ва чолғу ижрочилиги кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6659973>

Аннотация. Мазкур мақолада миллий мусиқа маданияти ва унинг жамият маънавий янгилалиши жараёнида фольклор, дostonчилик ва мақом санъатининг ривожланиши истиқболлари мазмун-моҳияти таҳлил қилинади. Шу билан бирга, миллий мусиқа маданиятининг асоси бўлган фольклор, дostonчилик, мақомдонлик йўналишларида ворисийлик (мерос)нинг аҳамияти илмий таҳлил этилади.

Калим сўзлар: мусиқа, миллий мусиқа, мусиқа маданияти, фольклор, дostonчилик, мақомдонлик, ижрочилик санъати, ворисийлик ва мерос, миллий маданий мерос, халқ оғзаки ижоди.

НАЦИОНАЛЬНАЯ МУЗЫКАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА И ЕЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

(на примере фольклора, былины, макома)

Аннотация. В данной статье анализируются содержание и перспективы развития народно-музыкального, эпического и макомного искусства в процессе национальной музыкальной культуры и ее духовного обновления в обществе. В то же время проводится научный анализ значения наследственности в сферах фольклора, эпоса, статуса, что составляет основу национальной музыкальной культуры.

Ключевые слова: музыка, национальная музыка, музыкальная культура, фольклор, эпос, статус, исполнительское искусство, наследие и наследие, национальное культурное наследие, фольклор.

NATIONAL MUSIC CULTURE AND ITS DEVELOPMENT PROSPECTS

(on the example of folklore, epics, maqom)

Abstract. This article analyzes the content and prospects of the development of folk music, epic and maqom art in the process of national musical culture and its spiritual renewal in society. At the same time, a scientific analysis of the importance of inheritance in the areas of folklore, epics, status, which is the basis of national music culture.

Keywords: music, national music, music culture, folklore, epic, status, performing arts, inheritance and heritage, national cultural heritage, folklore.

КИРИШ

Барча даврларда ижодий эркинлик бўлган санъатнинг бош хомийси давлат ҳисобланган, шунинг учун ҳам ижодий эркинлик санъат ва маданият соҳасида етакчи ва унга асос солувчи тамойилдир.

Миллий маданиятимизнинг асоси бўлган мусиқий меросимиз: фольклор, дostonчилик, мақом санъатининг миллат маънавий дунёсининг таркибий қисмига айлантириш, бошқача айтганда, уни ижодий ўзлаштириш, унга янги мазмун ва маъно бериш миллий-маданий тараққиётнинг бир томони бўлса, жараённинг иккинчиси эса,

янада аҳамиятли томони, миллий маданиятнинг янгиланиши, умуминсоний маданиятнинг янгидан-янги қатламларининг ўзлаштирилишидир. Бусиз маданиятни, шу жумладан, миллий маданиятни ривожланишини таъминлаб бўлмайди.

Санъат соҳасида янгиланиш янги ифода усуллари, жанрларнинг кириб келиши, айти пайтда, у ёки бу конкрет санъат асарларининг кишилар дунёқараши, маънавий дунёсининг бойишига таъсири ҳамда ижодкорларнинг улар таъсирида янгича мазмун билан суғорилган мусиқа санъати ва маданияти намуналарини яратишдек серқирра жараёнларни ҳам қамраб олади. Чунки, “Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир”[1,344].

Мусиқа санъати – миллий қиёфани белгилаб берадиган, инсон қалбига эзгу ғоялар, беғубор туйғуларни сингдирадиган омиллардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимиз қадимдан юксак мусиқий салоҳиятга эга бўлганини алоҳида қайд этиш лозим. Мисол учун: Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан 3 минг 300 йил муқаддам суяқдан ясалган мусиқа асбоби – най топилганлиги, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимизнинг мусиқашуносликка оид қарашлари ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Бугунги кунда бетакрор мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, мусиқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш, уни кенг оммага етказиш имконини яратди. Бу борада қилинаётган ишларнинг истиқболли мазмун касб этишида мамлакатимизнинг гўзал ҳудудларидан бири бўлган Шаҳрисабз замида Халқаро мақом санъати анжуманининг ҳамда Сурхондарёда ўтказилаётган Халқаро фольклор санъати фестивалининг аҳамияти бекиёсдир. Зеро, мазкур тадбирлар ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, шунингдек, мусиқа санъатини янада юксак поғоналарга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Миллий мусиқа маданиятдаги янгиланиш жараёнларида турли йўналишларда ўтказиладиган ижодий танловлар, фестиваллар, халқаро ижодий ҳамкорликнинг ўрни ниҳоятда катта. Шу маънода 1997 йилдан бери ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўзига хос маъно ва аҳамият касб этмоқда. Фестивал дунё халқларининг ноёб мусиқий анъаналари янгиланиши, ўзаро бойишига ва, айти пайтда, турли эллардаги ёшларни ҳам мусиқа санъати воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга хизмат қилади. Зеро, “Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий кадриятларга ҳурмати баланд бўлади”[1,344].

Инсониятнинг маданиятини, шу жумладан, мусиқа маданиятини истиқболлини белгилашда фольклор, дostonчилик, мақом санъатининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, бугунги кунда инсоният маданиятининг мавжудлиги ва истиқболлини мусиқасиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин.

Фольклор халқларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражаси, шу билан бирга фольклор қўшиқлари ҳам мос равишда шаклланиб, отадан ўғилга, устоздан шогирдга, аждоддан авлодга ўтиб, доимий равишда сайқаллашиб, мукаммаллашиб, тобора анъанавийлашиб бизгача етиб келган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбек фольклоршунослигида меҳнат кўшиқлари етакчи хусусиятга эга. Фольклоршунос К.Очилов меҳнат кўшиқлари дастлаб мавсум-маросим характерида эга бўлганлигини, тарихий тараққиёт туфайли улар кейинчалик ижтимоий маъно, лирик характер касб этганликларини тасдиқлайди[3,30].

Фольклор жанридан ўрин олган ўзбек меҳнат кўшиқларининг қайси соҳаси бўлмасин, жумладан, деҳқончилик, чорвачилик, касб-хунар, боғдорчилик билан боғлиқ бўлиб, бизгача етиб келган намуналарида севги кечинмалари, оилавий-маиший турмуш ташвишларининг бадиий ифодаси етакчилигини кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асрлар давомида яратилган улкан маънавий хазина, намуналари жаҳонга машҳур бўлган ижод, умуминсоний кадриятларнинг таркибий қисми бўлган миллий ҳодисадир. Шунингдек, асрлар давомида халқ тарихи, маънавий-маиший турмуши, маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ оғзаки ижоди, илмий таъбир билан айтганда, ўзбек фольклори тақдирдир. Фольклор қайси даврда, қандай бўлмасин, жамиятнинг, кишиларнинг маълум бир эҳтиёжларига жавоб бермаса, ўз-ўзидан ҳаёт саҳнасида тушиб, фақат тарихий факт бўлиб қолади.

Ўзбек фольклори тарихи ва тақдирининг аҳамияти шундаки, унинг намуналарида барча архаик динлар ва исломий қарашлар доимо ўз ифодасини топиб келган. Фольклор тарихан ноэстетик қарашларнинг эстетик ҳодисаларга, жумладан, диний тасаввурларнинг бадиий тасаввурларга ўтиш майдони бўлган.

Ўз даври фольклорини яхши билган Муҳаммад алайҳиссалом ўз диний, маърифий, ахлоқий, эстетик қарашларини тарғиб қилишда араб халқ оғзаки ижоди: афсона, ривоят, мақол ва ҳикматли сўз каби жанрлардан самарали фойдаланган[4,12].

Фольклор асарларининг турлича шаклларда бугунги кунгача яшаш сабабларидан бири, унда кишиларни жалб этувчи жиҳатлари кўп. Шулардан бири ҳозирги замон кишиларининг тафаккурида энг қадимий мифологик қарашлардан тортиб, энг замонавий тушунчаларгача уйғунлашиб кетганлиги, улар (инсонлар Т.Ш.) тафаккурининг кўп қатламлилиги мавжудлигидир.

Фольклор тарихий-ижтимоий, этнографик-маиший, бадиий-эстетик ҳодиса бўлиб, жамиятнинг инсонлар онги, ихтиёрига боғлиқ бўлмаган қонунлари бўлганидек, фольклор тақдирини ҳам табиий кечади. Биз унга фақат маълум даражада ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишимиз мумкин[5,292].

Фольклор асарларининг тарихини анъанавийлик, келажаги ва ривожланиш истиқболини қуйидаги яшаш шакллари белгилаб беради:

- архив материаллари сифатида, шунингдек, кино сценарийларда;
- кўрик танловлар ва оммавий-маданий байрамлар, театрлашган томошаларда;
- оммавий ахборот воситалари, газета журналларда ва илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбек фольклор асарларининг тўпланиши ва ёзиб олиниши тарихи ҳақида сўз юритилганда X асрда яшаб ижод қилган машҳур муаррих Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарини кўрсатишимиз мумкин. Унда муаллиф шаҳар ва қишлоқ номлари, тарихий обидалар ҳамда ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги халқ ривоятлари, афсоналарни келтиради. Шунингдек, XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий туркий қавмлар диёрини кезиб, мақол, матал, кўшиқ, ривоят ва афсоналарни

ёзиб олиб, ўзининг “Девону луғотит-турк” асарига киритади. Муаллиф ўзининг мазкур асарда *қошугнинг* изоҳини шеър, қасида деб кўрсатади[6,151].

Маҳмуд Қошғарий йиққан меҳнат, урф-одат, мавсумий ва маросим кўшиқлари, афсона ва ривоятлар, мақол ва маталлар, уларнинг мазмуни, қўлланиш ўрни ҳақидаги маълумотлар фольклор санъатида муҳим аҳамият касб этади. Муаллифнинг девонидан жой олган кўшиқлари табиат ва жамият билан боғлиқ бўлган одамийлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва қаҳрамонликлар улуғланган.

Муסיқа фольклорининг турли жанрларида бой маънавий мерос қолдирган Дарвеш Али Чангий, ўзи тузган луғатда халқ кўшиқларидан мисоллар келтирган Шайх Сулаймон Бухорий ўзбек фольклор асарларининг илк тўпловчилари бўлган.

Ўзбек фольклоршунослиги мактаби вакиллари томонидан фольклор асарларини тўплаб, архивлаштириш ва илмий тавсифлаш борасида ўтган асрнинг 20-йилларидан буён изчил иш олиб борилмоқда. Турли йилларда Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Б.Каримов, М.Алавия, З.Хусаинова, Ғ.Жаҳонгиров, С.Қосимов, М.Муродов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсақов каби олимлар илмий сафарларда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид материаллар топлаганлар[7,14].

Миллий муסיқа маданиятининг яна бир йўналиши бўлган дostonчилик санъати мамлакатимизда азалдан шаклланиб, ривожланиб бугунги кунгача етиб келди. Дostonчилик санъати – халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимий эпик анъана, номоддий маданий мероснинг энг ёрқин намуналаридан биридир. “Дoston” сўзининг яна бир маъноси – бу эл орасида гапирмоқ, куйламоқ, оғизга тушмоқ демакдир.

“Мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Хоразм вилоятлари билан бир қаторда Сурхондарё, хусусан, Шеробод дostonчилик мактаби минтақамизда маълум ва машҳур”[2,139].

Халқ оғзаки адабиётида дoston энг аҳамиятлидир. Дoston қабилавий турмуш намунаси бўлганлиги учун ҳам қабила ҳаётининг барча хусусиятларини кўрсатиб берадиган жанрлардан бири. Биз ўзбек дostonлари таҳлил қиладиган бўлсак, унда ўзбек уруғлари қаҳрамонларининг табиатлари, уларнинг қабила турмушдаги ўрни ва аҳамияти, ўз давридаги ижтимоий турмушнинг бутун борлиғи билан яқиндан танишиш мумкин. Жумладан, ўз даврининг машҳур олимларидан бири Ғози Олим Юнусов ўзбекларнинг машҳур оқинлари Ҳамрокул бахши, Фозил жиров Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonини далил қилиб келтириш мумкин.

Профессор Т.Мирзаев маълумотига кўра, Булунғир дostonчилигида қаҳрамонлик дostonларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган. Бу дostonчилик мактабнинг сўнги вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Малика айёр” каби дostonлар ёзиб олинган. Ўз даврида Ғози Олим Юнусов томонидан Фозил жиров Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonидан Т.Мирзаев ёзиб олган “Алпомиш” дostonи ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради ва мазкур асар бутун дунё фольклоршунос олимлари томонидан тан олинган[8,176].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дostonларни бахшилар куйлайдилар. Бахшилар ўз устозларидан махсус дostonчилик сирларини ўрганган санъакорлардир. Ўзбек дostonчилигида кенг тарқалган

ижро услуби домбира жўрлигида бўғизда дoston айтилади. Бахшининг бўғизда ичдан куч билан овоз чиқариб айтиши жуда қадимдан шимол халқлари афсунгарлари – шаманларда мавжуд бўлган. Бундан кўринадики, ўзбек бахшиларининг узок ўтмиш замонлар билан боғлиқлик ҳолатлари борлигини англаш мумкин.

Ўзбек дostonчилиги ижро усулига кўра хилма-хил кўринишларга эга бўлади. Таниқли олимлар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарипов, М.Саидов, Т.Мирзаев, Б.Саримсақовларнинг олиб борган илмий ўрганиш натижаларига кўра дostonлар мазмунан мақол, эртак, кўшиқ сингари турларга бўлинади.

Халқ оғзаки ижодидаги кўшиқ, эртак жанрларида тарихий воқеалар ўз ифодасини топгани каби дostonларда ҳам ўтмиш муҳрланган асарлар бор. Бундай асарлар фольклоршуносликда тарихий дostonлар деб юритилади.

МУҲОКАМА

Бахшичилик ўзбек фольклорининг юксак профессионал санъат тури ҳисобланади. Халқ бахшилари юртимизнинг барча ҳудудларидан етишиб чиққан бўлиб, кейинги авлод бахшилари берган оғзаки маълумотларга қараганда, XIX аср ва XX аср бошларида дostonчиликнинг энг гуллаган, ижро усуллари ғоятда такомилга етган даври ҳисобланади. Бу даврда бахшилар репертуарларида 200 га яқин халқ дostonи бўлиб, уларни машҳур сўз санъати усталари куйлаб келганлар.

Ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтиришдан иборат улкан мақсад унинг давомийлигини, сеҳрли ва жозибador ижросининг яна узок йиллар сақланиб қолишини кафолатлайди.

Миллий мусиқа маданиятининг мумтоз йўналишларидан бири бўлган Мақом санъатидир. Мақомлар ўзбек мусиқа меросида жуда катта ўрин тутади. Улар қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган ўзбек халққи профессионал мусиқа санъатининг ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Мақомлар халқ мусиқаси санъати таъсирида фольклор ривожига ва умуман ўтмишнинг мусиқий меросига ижобий таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам мақом санъатини номоддий мероси сифатида илмий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, миллий мақом санъати номоддий маданий мерос сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилганлиги мазкур санъат турининг умри узайишига олиб келди. Бу эса, “Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур”лигини кўрсатади[2,102].

Шарқ халқларининг мусиқий бойлиги бўлган мақом, муғом, навба, рага, кюи сингари мусиқий ижрочиликнинг аниқ туркумлари турли даврларда турлича кўриниш ва йўналишларда ижро этилиб келинди ва ривожланди.

Мақом – етук ва ўзига хос оғзаки профессионал мусиқа туркуми жанри бўлиб, ўрта асрларда бастакорлар томонидан яратилган. Мақомлар чолғу ва ашула йўллари ҳамда йирик туркум сифатида юзага келиб, ўзига хос ривожланган куйлари, мураккаб шакл-шамойили, мукамал ижро услуби билан ажралиб туради.

“Мақом” атамаси VIII-X асрларда Уқлидис, Арасту сингари юнон олимларининг мусиқа назариясига бағишланган асарларини араб тилига таржима қилиниши натижасида қўлланила бошланган. IX асрда яшаб ижод этган Яхё бин бу Мансурнинг мусиқа назариясига доир асарида мусулмон Шарқи халқларида юнон мусиқаси назариясидан олдин ҳам ерлик халқларнинг ўзи мос мусиқа назарияси мавжуд бўлганлигини айтиб ўтади.

Ўзбекистонда “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона-Тошкент мақомлари”, дутор ва сурнай мақом туркумлари ҳамда мақом чолғу ва ашула йўллари мавжуд. Улар ҳозирги кунда республикамизда профессионал ва ҳаваскор мақом ансамбллари, созанда ва хонандалар томонидан ижро этилиб келинмоқда. Анъанавий “устоз-шогирд” мактаблари вориийлик асосида авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Бугунги кунда ёшларни миллий ва маънавий руҳда тарбиялаш масаласига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунда Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётини ривожлантириш ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда миллий мақом санъатидан оқилона фойдаланиш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизнинг турли бурчакларида ҳаваскорликнинг ашула ва рақс, айниқса, фольклор-этнографик ансамбллар, оилавий санъат дасталари каби шакллари кенг тарқалганини ва асрлар давомида шакланган санъат дурдоналарини сақлаб қолиш, халқимизга қайтариш борасида самарали фаолият олиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва қадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарбия тизимига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, маданий қадриятларни тарқатишда таълим тизими муҳим ва асосий ўринни эгаллайди. Зеро, инсон фарзанди айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва маданий қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли бу жараёндаги тадрижийлик таъминланади. Натижада инсоннинг билим доираси ҳам миқдорий, ҳам сифатий жиҳатдан бойиб боради.

Маданият, унинг ривожланиш қонуниятлари, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри ўзлаштирилишини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Таълим тизимида маданий қадриятларни тарқатиш бўйича олиб бориладиган ҳаракатларнинг натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни доимий такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд.

ХУЛОСА

Республикамизда миллий маданий ҳаётни бошқаришнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётгани олдимизда турган бир қатор вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Миллий маданий меросимизни эски андозалару ёндашувлардан холи ҳолда чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, халқимиз яратган, аммо турли сабабларга кўра чет элларга чиқиб кетган маданият бойликларини излаб топиш ва ўрганиш бўйича ишларни тизимли ва тадрижий давом эттириш билан боғлиқ вазифалар шулар жумласидандир. Айни пайтда, мусиқа санъати маданиятимизнинг барча соҳаларини жаҳон маданияти ютуқлари асосида бойитиш ва ривожланишининг янги босқичига кўтаришда ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Буларнинг

барчаси ўз навбатида юрт манфаати ва миллат истиқболи йўлида қайғурадиган янги инсонни тарбиялашдек бош вазифани ҳал этишга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбек халқи ўзининг бой бадиий маданий меросига, жаҳон санъати ривожини тарихида ўзига хос ўрнига, дostonчилик ва миллий мақом санъатининг замонавий йўналишлари, бахшичилик бўйича шаклланган анъана ва мактабларга эга. Ушбу мерос ва тажрибани чуқур ва илмий асосда ўрганиш, ривожланиш истиқболларини белгилаш, мазкур йўналишлардаги фаолиятни тизимли ташкил этиш ҳаётининг амалий аҳамиятга эгаллиги шубҳасиздир.

Турли йўналишларда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари, марказлар, уюшмалар, жамғармалар ҳам мазкур тизимнинг зарурий ва энг муҳим элементи ҳисобланади. Улар бугунги кунда маданий меросимиз бўлган миллий мусиқа санъатини ўрганиш, миллий кадрларимиз, анъана ва урф одатларимизни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаолият олиб бориш, фольклор экспедициялари ташкил этиш, доимий равишда турли фестивал, кўрик, танлов, ижодий кечалар ўтказиш, иқтидорли ёшлар ижодини рағбатлантириш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, маданият жабҳасида фаолият олиб бораётган турли ижодий ташкилот ва бирлашмалар аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий маданият, адабиёт, санъат, мусиқа, театр, кино ютуқларини, маънавий ва ахлоқий кадрларни кенг тарғиб этиш борасида сермаҳсул натижаларга эришаётганларини алоҳида қайд этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 4-том. 2020. –Б. 344
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажиги фаровон бўлади. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 3-том. 2019. –Б. 102, 139
3. Очиллов К. Узбекские народные трудовые песни. АҚД. –Т.: 1974. –С. 30
4. Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. ДДА. –Т.: 1997. –Б. 12
5. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. –Т.: Ўз.Р. Фан нашриёти. 2010. –Б. 292
6. Маҳмуд Қошғарий. Девони луғатит-турк. –Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2017. –Б. 151
7. Олим Тўлабоев ва башқалар. Ўзбек фольклоршунослиги антологияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2017. –Б. 14
8. Каримова М., Абдуллаева Н. Фольклоршуносликда бахшиларнинг ўзига хос хусусиятлари. –Фарғона.: 2019. Буюк ипак йўли фольклор санъатининг ривожланиш жараёнлари. Халқаро илмий-амалий конференция. Мақолалар тўплами. Марғилон шаҳри. –Б. 176
9. Nurmuhammadovich, R. O., & Nurullaevna, N. M. (2021). Social And Spiritual Importance of Lessons of Musical Culture. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 50-52.
10. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In Archive of Conferences (pp. 92-94). 4. Nurmamatovich, D. S.

- (2022). The Role of Modern Technologies in the Learning Process. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 1(8), 6-9.
11. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
 12. Sultonali Mannopov, A., Abdusalom Soliev, U., & Tokhir Shokirov, R. (2021). Development of Uzbek National Singing Art during Independence. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 6845-6853.
 13. Ahrorova, R. U. (2021). SEMANTIC ANALYSIS OF PHRASEOLOGICAL UNITS REPRESENTING “YOUTH” IN FRENCH AND UZBEK LANGUAGES. *Theoretical & Applied Science*, (7), 122-126.
 14. Akhrorova, R. (2022, April). LEXICAL-SEMANTIC EXPRESSION OF EARLY YOUTH/JEUNESSE IN FRENCH. In *МЕЖДУНАРОДНЫЕ НАУЧНЫЕ КОНФЕРЕНЦИИ С ВЫСШИМИ УЧЕБНЫМИ ЗАВЕДЕНИЯМИ* (Vol. 2, No. 18.03, pp. 617-620).